

2015 йил " 22 " Июль  
48/ҚҚ -сонли

2015 йил " 22 " Июль  
Қ-120 -сонли

## ҚЎШМА ҚАРОР

Мактабгача ва умумий ўрта таълим  
муассасаларини аттестациядан  
ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида

### ҚАРОР ҚИЛАМИЗ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Икрамов томонидан 2015 йил 27 мартда тасдиқланган вилоят халқ таълими бошқармаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳамда вилоят ҳудудида жойлашган бошқа ташкилот ва идоралар тасарруфидаги таълим муассасаларини 2015-2020 йилларда аттестациядан ўтказиш жадвали ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман (шаҳар) ҳокимликларига:

- ўн кун муддатда мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бўйича туман (шаҳар) аттестация комиссиялари туман (шаҳар) ҳокимлигининг қарори билан тузилсин;

- туман (шаҳар) аттестация комиссиялари қошида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари, таълим муассасаларининг тажрибали раҳбар ва мутахассисларидан иборат экспертлар гуруҳи ташкил этилсин;

- экспертлар гуруҳининг асосий вазифалари таълим муассасаларига услубий ёрдам кўрсатиш, таълим муассасалари томонидан аттестация комиссиясига тақдим этилган ҳужжатларни экспертиза қилиш, назорат ишларини ўтказиш деб белгилансин;

- аттестация комиссиялари ҳар ойнинг 10-санасидан кечикмасдан ўтган ойда аттестациядан ўтказилган таълим муассасаларининг ҳужжатларини Давлат тест марказига топширишини таъминласин.

3. Вилоят халқ таълими бошқармаси (Э.Мусаев), туман (шаҳар) ҳокимликларига:

- икки ҳафта муддатда юқорида қайд этилган тасдиқланган аттестация режаси асосида вилоят халқ таълими бошқармаси, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳамда вилоят ҳудудида жойлашган бошқа ташкилот ва идоралар тасарруфидаги ҳамда нодавлат таълим муассасаларини 2015-2020 ўқув йилларида аттестациядан ўтказиш (таълим муассасаларининг аккредитацияланган муддатини эътиборга олган ҳолда) жадвалини ойлар кесимида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилсин;

- мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларини тасдиқланган жадвалга мувофиқ ўз вақтида аттестациядан ўтказилишини таъминлаш масъулияти юклатилсин.

4. Вилоят халқ таълими бошқармаси (Э.Мусаев)га:

- мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мониторингини олиб бориш;

- ҳар чоракда таълим муассасаларининг аттестацияси натижаларини бўйича Давлат тест маркази ҳамда вилоят ҳокимлигига маълумотнома киритиш;


- 20 кун муддатда туман (шаҳар) ҳокимликлари аттестацияси комиссияси ҳамда эксперт гуруҳлари таркибини, ойлар кесимида таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш режасини Давлат тест марказига юбориш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Давлат тест маркази ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигининг 2011 йил 10 февралда тегишли равишда қабул қилинган 21/ққ ва қ-30-сонли қўшма қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Давлат тест маркази директори ўринбосари в.б. Б.Назаров ҳамда Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари У.Раззоқов зиммасига юклатилсин.

Давлат тест маркази директори

Навоий вилояти ҳокими



Ж.Исмаилов



Э.Турдимов